

Миллий тикланиш



Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг ҳафталик газетаси

1999 йил, 2 ноябр

40(213)-сон

ТИКЛАНИШ ВА АЁЛ

Миллий тикланиш партияси II қурултойида мунозара учун сўз

Ҳурматли дўстлар, азиз маслаҳодлар! Халқимизнинг энг сара зиёлилари, олим устозлари, адибу шоирлари жам бўлган шундай анжуманда жуда кўп таъкид чекралари, жамиятда ўз ўрнига эга бўлган атоқли шахсларни кўриб ана шундай кишиларни бирлаштирган партиянинг аъзоси эканлигиндан фахрланмоқдам. Бугунги давр ҳар биримиз учун синов даври, рўй бераётган сиёсий жараёнлар мавжуд партиялар қатори бизнинг «Миллий тикланиш» партияси учун ҳам ўзига хос имтиҳон вазифасини ўтади. Партиянинг халқимизнинг зиёли табақаларига сунган ҳолда ўз дастури асосида фаолият кўрсатар экан, биз бугун қандай муаммоларга эътиборни қаратишимиз ва уларни бартараф эттишни қандай йўللари йўлга ташлашимиз керак? Мен бир журналист, ҳуқуқшунос сифатида ўзини бевозта қилаётган масалалар ҳусусида тўхталмоқчиман.

Биринчиси, ёшлар тарбияси. Биз қачон, қаерда, қандай хатога йўл қўйдикки, бир гуруҳ ёшларимиз ёт ақидаларга берилиб, ўз халқига, ватанига қарши бориш, хиёнат қилишга журъат этдилар? 16 феврал воқеалари билан боғлиқ суд жараёнини ёритган, бевосита суд залидан ойнаи жаҳонга репортажлар тайёрлаган, деярли бир ой давомида судланувчилар билан ҳар кун нигоҳ тўқнашган журналист, оддий инсон, аёл — она сифатида юқоридаги саволлар мени ҳамон қийнади. Ҳар бир судланувчи йигитнинг тақдири, шу йўлга кириб қолишининг сабабларининг ўзи бир фожиа. Муқталик ҳаётининг бўсағасида, тиркичилик ташвишида фойдаланиш — маблағли иш қилдириб, ўзини қаёққа уришини билмай ҳайрон турган 18 — 19 ёшли йигитчалар, қараб-қарши, 3 — 4 йилда жангари, ўз юртига қайтишга тайёр, ҳатто ўнлаб бегуноҳ одамларнинг ҳаётдан кўз юмишига, қанчадан-қанча моддий ва маънавий йўқотишларга сабаб бўлди. Балки, бор имкониятларини ишга солиб, болаларимизни бекорликка бермай, йўл-йўриқ кўрсатиб ҳаттарли чиққангиз ўтказиб қўйганимизда ўша йигитларнинг ҳаёти бугун бошқача бўларди.

Биз нима қилдик — кўриб кўрмаганга, билиб, билмаганга олдик. Олти ойлаб

Чеченistonнинг ҳарбий лагерларида юрганида тижоратга кетган деб хотиржам ўтирдик. Шу йигитларнинг ота-оналари, улар яшаган, унинг-ўсган маҳалларнинг оқсоқоллари қаерда эди, қаёққа қаради дейсан киши. Ҳа, гапирса гап кўп, лекин феврал воқеалари бизга сабоқ бўлиши, ёшлар тарбиясига қолиплар асосида, расмиётчилик учун эмас, балки бугунги ўзгаришлардан келиб чиқиб ёндашишимиз зарурлигини кўрсатди.

Иккинчиси, иш билан таъминланган масаласидир. Оилада ҳам, жамиятда ҳам кўп воқеа-ҳодисалар моддий етишмовчиликдан келиб чиқишини биламиз. Тўғри, давлатимиз ижтимоий ҳимояни изчил амалга оширмоқда. Болалар, қариалар, ногиронлар давлат атаган насибани олаётдилар. Лекин билгани кучга тўлган, ишлаб толмайдиган ёшларни маошли иш билан таъминлаш, айниқса, қишлоқ жойларида янги иш ўринлари жорий этиш талаб даражасида бўлмаётди. Биргина мисол: Бухоро вилоятининг Пешку туманидаги бир жамоа ширкат ҳўжалигида бўлганимизда шундай фактга дуч келдик: маълумки, қишлоқ ҳўжалигида штатлар қисқараётганлиги боис амалий фаолиятдан узоқлашаётган кадрлар кўп. Ҳўш, уларни қандай иш билан таъминлаш мумкин? Бандлик хизмати ходимлари бу нарса ҳақида бош қотирмагани, етарли тушунтириш ишлари олиб борилмагани сабабли 1998 йилда Бухоро вилоятида 36 минг сўм маблағ ишлатилмай қолиб кетган. Ваҳоланки, ўша жамоа ҳўжалигида ишдан бўшаган одамларни мавсумий ишда ҳўжалик ишларига жалб этиш, иш ҳақининг 50 фоизини ҳўжалик, 50 фоизини бандлик хизмати тўлаши мумкин эди. Бу — қонунда кўрсатилган. Шунинг учун ҳам бандлик хизмати маблағларини тўғри йўналтириш, амалга жорий этиш ҳақида жиддий бош қотириш лозимга ўхшайди.

Учинчиси, аёллар меҳнати енгиллаштириш. Сир эмас, ҳозирда қишлоқ ҳўжалигининг асосий юки аёллар зиммасида. Ахир аёл миллат ораси,

соғлом, баркамол авлодни вояга етказиш учун аёл соғлом, маърифатли бўлмоғи керак. Шу боис ҳам аёлнинг кўпроқ фарзандлари бағрига қайтариш, унинг ўзига мос касб-ҳунарлар ўргатиш, қишлоқларда қўллаб-қўлланган корхоналар ташкил қилиш масалаларига эътиборни қаратиш лозим деб ўйлайман. Аёл дардини, унинг қувончи, ташвишларини аёлдан бошқа яна ким ўзидай тушунади? Шу боис партиямиз сафига маърифатли, чин маънода зиёли аёлларни, имкон қадар ҳуқуқшунос аёлларни жалб этиш, аҳолининг ичига кириш, халққа ҳуқуқини танитиш, зарур нуктада ҳаққини талаб қилишни, бурчини баҳаришни ўргатиш керак. Чунки ҳар бир фуқаронинг онгли равишда ўз ҳуқуқини билиши, қонунларга ҳамма бирдек итоат этиши билан қўтилган натижага эришиш мумкин. Текширувчи ва назорат қилувчи органлар сонини кўпайтириш билан ижтимоий адолатни тиклаб бўлмайди. Жамоатчилик назорати ўрнатилибгина ҳаётбахш қонунларимиз, ҳуқуқат қарорларининг ижроси тўлиқ таъминланадиган бўлади. Ушбу йўналишда аёлларнинг ҳуқуқини таъминлашда давлат эътиборини қўйиш керак. Чунки, бир пайтлардагидек сайлов бюллетенини қўтига шунчаки ташлаб кетишаверишмасин.

Умумий, сийқа гаплардан аниқ ишга ўтадиган, конкрет тақлиф — мулоҳазаларни ўртага ташлайдиган вақт, тарихий жараён келди. Бор имкониятимизни, ақл-идрокимизни бағрикенг, содда, бегубор, тантанасиз ҳалқимизнинг чин маънодаги бахти, саодати йўлида сарф қилиш «Миллий тикланиш» партияси сафидаги ҳар бир инсонга насиб этсин.

Муаттар АСКАРОВА

Ўз мазмун-моҳиятида маънавий-маданий, сиёсий ва иқтисодий манфаатлар бирлигини ифода этган мафкура элат ва халқни миллат макомига кўтарди. У нафақат газета, журнал, радио, телевидение, маъруза, аудиториялардан балки ҳар кун, ҳамма жойда, ҳар бир фуқаронинг хатти-ҳаракатида намоен бўлмоғи керак. Миллий мафкура шундай метин эътиқод ҳосил қилиши керак-ки, ҳар бир фуқаро эртага тонгда қўёш чиқишига қанчалик ишонса, давлат сиёсати ва буюк келажакка шунчалик ишонсин. Ана шу ишончгина мамлакатимиздаги барча дин, миллат, элат ва табақа вакиллари уни умумий йўл атрафида бирлаштира олади. Бунинг учун мафкура оммабоп бўлмоғи керак. Акс ҳолда ватанин севувчи, лекин ўз маҳалласи, иш-хонаси, тупроғидаги муаммоларини сезмайдиган, инсониятни севувчи, лекин қўшниси билан келишмайдиган, диний ақидаларастликни ёмонловчи лекин ақидаларастликни зимдан мингирлаб ёқлаётган суҳбатдошга қарши сўз айтишга ботина олмайдиган кишилар ўз фаолиятларини баҳолмай олайдилар. Демак халққа, миллий ғоя атрафида «жипслашган, оғоҳ Ўзбекистон халқи» ва бунинг акси «жипслаша олмаган, лоқайд эл» намуналари орасидаги зиддият кўрсатилиши керак. Ана шунда «юз марта ашитандан бир марта кўрган афқон» деган халқ маколли амалиётга қўндай. Аср бошидаги жаҳидчилик ҳаракатининг йўлбошчиларидан бири Абдурауф Фитрат.

«Бу дунё кураш майдонидир...» ҳар бир миллатнинг саодати ва иззати албатта, шу халқнинг ички интизоми ва тотувилига боғлиқ деб ёзган эди. Айтиш мумкинки, ҳозирги миллий мафкурамиз жаҳидчи боболаримизнинг армонларини

рўбга чиқармоқда. Лекин миллий мафкура талаблари ҳар бир Ўзбекистонликнинг одатига, ҳар кунги ҳулқ-атворида айлана деб, айтишга ҳали эрта. Ҳозир олдимизда мафкуравий тарбия масаласи турибди. Бу масалани ҳал этмасдан туриб диний ва мафкуравий ақидаларастликни қуролсизлантиришимиз, маънавий дунёси тор «қорин бандларини» ғайлат уйқусидан уйғотишимиз ғоятда мушкул иш. Бу мушкулотнинг сабаби нима? Сабаби лоқайдлик, бафраклик, ўзибуларчилик кайфияти.

Мафкура кишига жамият орқали таъсир қилишнинг кучли воситаси ҳисобланади. Ҳар бир киши ўзини халқдан айри тасаввур қил



нг. Демак, миллий мафкура ҳар бир Ўзбекистонликнинг маънавий бурчи, ҳулқ-атвор мезонига айлан

МИЛЛИЙ МАФКУРАНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

ла олмайди. Яъни халқсиз яшай олмайди. «Мен ҳақимда одамлар қандай фикрда экан» деган савол ҳаммани қизиқтиради. Шу сабабли сўзимизни, юриш-туришимизни, ишимизни бошлашдан аввал одамларнинг бу ҳақда нима дейишлари мумкинлигини ўйлаймиз. Чунки ўзбекчиликда «Нима яхши», «Нима ёмон» деб ҳисоблангани яхши билан иш. Демак, миллий мафкура лоқайдликни гуноҳ даражасида оммалаштириш, одатга айлантириш, қўрсатиши керак. Ана шундангина миллий мафкура Ўзбекистоннинг ҳар бир охонасида, ҳар бир киши онгида яшайди, амалий натижадан беради. Бу фикрга баъзи бировлар «Наҳотки, бундай бўлиши мумкин эмас» дейишлари мумкин. Лекин ислом мафкурасининг амалларини эсланг. Ёки собиқ шўронинг биз халигача қутула олмайётган мафкурасини эсланг.

дидати мафкуравий бурч ва вазифаларини аниқ билиши ва уни амалиётда қўлай олиши лозим. Шундай бўлгандагина фуқаролар ҳар хил «даъватчи»ларни эшитмайдилар ва уларни мафкуравий сиқувга олдидлар. Кўпдан эса қуён ҳам қочиб қутула олмайди...

Миллий мафкура вазифаси нафақат ташқи, балки ички мафкуравий таҳдидларга ҳам қарши курашмоқдир. Бизнинг миллий давлат қурилишимизга тўсиқ бўлаётган ҳар бир нарсани мафкуравий зарба бериши керак. Чунки дунёвий ишларимизни ёхуд террористларга тавфиқ беришни ҳудого ўқирса, қордона қуриб ютурса, яхши бўлмайди. Бундан юз йил олдин худди шундай бўлган эди. Буюк Фитрат «...Ҳар бир ишни толе ва фалак гардишдан деб билиш заифлик ва ноҳонлиқдан бўлади... Алҳосил, ана шу оғирлик ва ишбилмаслигимиздан аксар ишлар ҳам қўлинидан кетди» деб қўлиниган эди. Бу сўзлар оғоҳлик сўзларидир. Улар биздан тўғри ҳулосаларни ва амалий ишларни талаб қилади.

Муҳаммадҷон ҚУРОНОВ,
педагогика фанлари доктори

XXI АСРГА КЕЧ ҚОЛМАНГ!

●ҚАДРИНГИЗ ТИКЛАНИШНИ ИСТАЙСИЗМИ?
●УМУМАН ҲАЁТДА ТИКЛАНИШ ИСТАЙСИЗМИ?
«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ»ГА
ОБУНА БЎЛИНГ!
ЖАВОБ ТОПАСИЗ!



Табиб саломатлиқни, «Миллий тикланиш» эса қалбингизни тиклайди. Маънавият малҳами билан бирга бўлинг!

МИЛЛАТ ТАҚДИРИНИ ЎЙЛАБ

Миллий тикланиш партияси II қурултойида мунозара учун сўз

Азиз дўстлар! Азиз партиядошлар! Мен сўзимнинг аввалида муҳтарам юртбошимиз Исро Каримов номзоди бўлажақ президентлик сайловида партиямиз аъзолари томонидан яқдиллик билан қўллаб-қувватланганлигини ғоят мамнуният билан таъкидламоқчиман.

Бу қароримиз бизнинг ҳаёт ҳақиқатида, қўлчиликнинг хоҳиш-иродасига нисбатан самимий эътиромимиз ифодасидир.

Миллат тақдирини ўйлаш, унинг истикболи ҳақида қайғуриш азал-азалдан зиёлиман, ватанпарварман деган инсоннинг қалб бурчи, вилдон амри бўлиб келган. Зеро, миллат ўзлигини сақлаши учун ҳаммаши фидойиларга муҳтождир.

Миллатимиз мозийда кўп синовларни бошидан кечирди. Турли ёвлар босқинидан, тарихнинг ўт-оловли жангҳоқларидан омон чиқа олди. Қўлиқ занжирларини улқотириб, ўз муқтақлиғига эришди.

Олдимизда шундай ёрқин уфқлар очилдики, энди биз башариёт сахнида тарихий салоҳиятимизни кайта тикламоғимиз лозимдир. Жаҳоннинг энг илгор мамлакатлари қаторидан жой олишимиз керак. Очиқлик, қашшоқлик, мутелик қон-қонига сингиб кетган, фақат қуни ўтганигагина, қора қозони қайнаб турганигагина қўниқиб қолган, ўзлигини, аниқроғи, ўзининг буюқлигини, улқуворлигини, жаҳоншумул ишларга қодирлигини унута бошлаган захматқаш халқимизнинг қаддини тиклашимиз зарур.

Бунинг учун ҳар жиҳатдан қўлай бўлган бугунги тарихий вазиятни юрак-юрагимиздан англай олсак, бас.

Зеро биз энди озода, муқтақил миллатимиз. Ҳар қандай ҳою ҳавасга берилсак, эзгу давронларни орзуласак, бирорва ҳисоб бермаймиз, ҳуррам тафаккуримиз эртага бошимизга қилиб бўлиб тушмайди, жўшқин сазў-ҳаракатларимиз ўз қисматимизга зомин бўлмайди.

Ҳар қандай улқуғ иш аввало ғояда ўз ифодасини топади. Агар бу улқуғ ғоя ҳаётга, заминий асосларга эга бўлсагина рўбга чиқиши мумкин. Акс ҳолда у гўзал ғоялигича қолаверади.

Мен партияимизнинг дастурини синчиқлаб ўқиб чиқиб, унинг эзгулигига, улқуворлигига ва теранлигига бир фуқаро сифатида амин бўлдим. Бу ғояни янги тафаккурнинг, янги бир авлоднинг ҳар қандай қўлиқдан, мутелиқдан, фикрий чекланишлардан мосуво бўлган жамият ақлининг ҳосиласи дейиш мумкин.

Менга дастурнинг қониқ-киш берган муҳим жиҳати шундаки, у шунчаки эзгу фикрлар, яхши ният ва мақсадлар ифодасидангина иборат бўлиб қолмаган, балки бу мақсадларнинг ҳаётда қандай рўбга чиқариши йўл-йўриқлари ҳам унда очик-ойдин кўрсатиб берилган. Яъни бизнинг мавҳум бир замонда яшамаётганлигимиз, балки бозор иқтисодиёти турмуш тамойилига айланган, инсон ҳуқуқлари том маънода қадр топиши мумкин бўлган даврда, яъни инсоният учинчи милл йилликка қадам қўяётган паллада яшаётганлигимиз теран ифода қилинган. Дастур

нинг мазмунини мана шундай мураккаб ва тезкор даврининг нафаси сезилиб туради.

Партия ўз фаолиятида илмга ва тафаккурга, фуқаролар фаоллашувига алоҳида эътибор беражагини дастурда таъкидлади ва ҳозирги босқичдаги ўзининг муҳим вазифаси таълим ва маърифатнинг авж олишида, фуқароларда мутелик ва пассивлик руҳиятини барҳам топишида эканлигини қайд этади.

Шу ўринда ҳақиқ савол туғилади: фуқаролар нима учун пассивлашади ва мутега айланиб боради? Бунга шундоқ жавоб бериш мумкин, яъни жамиятдаги адолат қонунлари тўлақилан ишланмаसा, у кўпроқ амалдор шахсларнинг манфаатларига қўл келса, меҳнатқаш одамлар руҳида пассивлик пайдо бўлади, эртанги кунга бўлган ишонч сўниб боради.

Хусусан, ноҳақликка учраб, ҳуқуқини тиклай олмаган одам, порахўрликни кўриб туриб азини айтолмайдиган оддий фуқаро қадр оёқости қилинган, умидлари соврилган инсон саналмайди? Қолаверса, у ҳам миллатимизнинг бир вақили-ку! Агар бундай умидсиз ва муте инсонлар жамиятимизда кўпайиб бурса, охири-оқибатда миллатимизнинг қадр оёқости қилинмайди? Унинг эртанги кунига бўлган ишонч соврилмайди?

Миллий тикланиш партиясининг бош мақсади ана шундай иллатларга барҳам бериш ва жамиятдан уни тезроқ супуриб ташлашдир. Бунинг учун нима қилмоқ керак? Бу мураккаб муаммо ечими дастурда аниқ баён қилиб берилган. Зеро партия

ОРЗУ ҚИПАМАН

Сайловчиларга тиллақ — халққа тиллақ дегани албатта, зеро бизда халқ сайлайди! Халқимизнинг улкан сайловларга маънан тайёрланиб, бугунги сайловни англаб бораётганлигини ҳис қилиб турибмиз. Шу маънавий англаш маънавий яқдилликни, демакки, сайлов яқдиллигини пайдо қилади. Менинг бу маънодаги орзу-истагим халқ орузисига уйғун деб ўйлайман ва ишонманам. У ўз муносиб вақилларини тўғри танлайди ва улқуғ учун овоз беради.

Муқаддас ИСМОИЛОВА

ЎЗБЕК БОКСЧИЛАРИ МУҲЛИСИМАН

Бокс бўйича пойтахтимизда ўтказилган XX Осий чемпионати ўз нисосига эътибор бўлиб Олимпиядада бериладиган йўлнамга соҳиб бўлди. Ўзбек боксчиларидан 7 нафари олтин медалини қўлга киритиб, Олимпиядада бахсларни давом эттиришга бўлишди. Иккинчи ўрин эса 2 та олтин, 5 та қумуш медалини қўлга киритган қозғистонлик боксчиларга насиб этди. Мусобаканин энг яхши боксчиси номига Қозғистон вақили Ермақон Ибрагимов эга бўлди. Энг яхши муҳлиси бўлишга эришган эса Соат Шариповга насиб этди.

Халқаро Ҳаваскор боксчилар Ассоциацияси (АИВА) бош қотиби америкалик жанон Лоран Беккер ўз таассуротларини бизга қўйидагича баён қилди:

— Бу чемпионат ташкилий жиҳатдан юқори даражада ўтказилган бахслар давомида сезилиб турди.

— Қайси мамлакат боксчиларининг сазў-ҳаракатлари сизга ёқди?

— Мазкур чемпионатда ҳар бир мамлакатнинг энг кучли боксчилари қатнашди. Уларнинг ҳаммасида финалда чиқиш имконияти борлигини кузатдим. Айниқса, Ўзбекистон терма жамоаси боксчиларининг рингда олиб борган жанглири менда қатта таассурот қолдирди. Қозғистонлик боксчиларда ҳам бундай имкониятлар мавжуд экан. Биз

Осийдан 67 нафар боксчинини Олимпияда ўйинларига саралаб олишимиз керак. 91 килограмм ҳамда ундан юқори вазандаги боксчиларини биринчи ўрин соҳибларига Олимпиядада қатнашиш имкониятга эга бўлишиди. Сеулдаги саралаш турнирида 22 нафар, Бангкокда ўтказилган мусобақада эса 23 нафар боксчи танлаб олинши режа-лаштирилган.

— Профессонал бокс вақилларидан қилларининг жанги сизга кўпроқ маъқул келди?

— Юртдошим Эвандер Холифилд ва машҳур ўзбек боксчиси Артур Григорянларнинг рингдаги бахсларини мароқ билан томоша қиламан.

— Тошкентда биринчи бўлишим. Халқимизнинг бағрикенглиги, меҳмондўстлиги ва таассурот қолдирди. Турисини айтсам, ўзбек таомларидан паловни жуда ёқтириб қолдим, — деб суҳбатимизга қўшилди Лорен Беккернинг рафиқаси Елма Недиана Елмас.

— Спортнинг қайси турларига қизиқасиз?

— Бокс ва футболга. Бу чемпионатда ўзбекистонлик Руслан Чагаев ва Муҳаммадқодир Абдуллаев сингари спортчиларнинг маҳорати на бердим.

Ўқтан ХОЛИҚОВ,
«Туркистон-пресс»

МИЛЛАТ ТАҚДИРИНИ ҲАҚИҚАТ

Боши биринчи бетда
Ана шу даврда минглаб ишчилар иш излаб Фарбий Германияга боради ва у ерда яшаб даромад орттиришади. Бу даромадлар ўн йиллардан сўнг катта бойлик бўлиб мамлакатга оқа бошлади. Ана шунда мамлакат турмуш тарзида мўъжиза рўй берди. Биринчидан, ишсизлар қамайдилар, иккинчидан, улар нафақат ўз турмушларини фаровонлаштирдилар, балки мамлакатни ҳам бойитишга ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Ҳар бир ишсиз давлат учун бир муаммо демакдир. Бозор иқтисодиёти даврида эса иш ўринларининг қисқариб, ишсизларнинг кўпайиб бориши эса табиийдир. Баҳоуддин Нақшбанд «кўлинг ишда, дилинг Оллоҳ билан бўлсин» дея бежиз айтмаган. Ишсиз одамнинг кўнглида Оллоҳ бўлиши гумон. Унинг кўнглида кўпроқ алам, изтироб, ҳасад бўлади. Алам, изтироб, ҳасад эса одамни фитнага, жиноятга мойил қилади. Шу боисдан ишсизлик муаммосини ҳал этиш мамлакат оқибатига дахлдор масаладир.

Ушбу муаммога изчил, ҳар томонлама ёндошмоқ

лиги керак! Нима учун бу оддий ҳақиқатни биздаги ширахўр бюрократик тўсиқлар турфа хил пардаларга ўраб, халқ кўзидан яшириши керак?

Халқимизни меҳнаткаш деймиз, ишбилармон деймиз. Бу лоф ёки муболаға гап эмас. Ҳолбуки шаҳар-ма-шаҳар кезиб юрган мардикор йигитлар меҳнатига назар солинг. Улар нақадар ишга ташна, нақадар оқун-гил ва нақадар қаноатлидирлар!.. Уларнинг меҳнат иқтидорига, ғайратига, нозик дидига жаҳонда харидор мамлакатлар топилмайди дейсизми?...

Партия дастурида таъкидлаганидек, давлат бундан кейин кўчайиб бориши мумкин бўлган ишсизлик муаммосини ҳал қилмас экан, бу муаммо жамият тараққиёти олдида тўғаноқ бўлиб тураверади.

Дастурда солиқ сиёсати борасида ҳам фикр юритилган.

Дарҳақиқат, солиқ сиёсати мамлакат фуқаролари тушунчасида жамиятда мулкий тенгсизликни келтириб чиқармайдиган балки адолат туйғусини уйғотадиган омил сифатида шаклланиши керак. Шу боисдан партия яши-

рин иқтисоднинг товар ва хизматларини яратиб билан боғлиқ норасмий турларни очиб, яъни расмий иқтисодга айлантириш ва давлат ҳамда халқ назорати остига олиниши лозимлигини таъкидлайди. Бунинг учун эса бизнесга оид қонунчиликни тақомиллаштириш зарур деб ҳисоблайди.

Дарҳақиқат, бизнес сеҳри ва сирли оламдир. Лекин у фақат ҳалоллик ва диёнат заминига қурилиши керак. Биздаги айрим тижоратчилар эса, бу пайғамбаримиздан қолган касб деб халқ олдида нутқ айтадилар-у, амалда эса халқни ҳам, давлатни ҳам шилиш пайидан бўладилар.

Тижоратда ҳам маданият бўлиши керак. Ўзаро ишонч, имон, садоқат биринчи ўринда турмоғи шарт. Хусусан, чет элда бир марта ҳамкорига панд берган бизнесменнинг бир умр косаси оқармайди. Шунингдек, ривожланган мамлакатларда солиққидан худодан кўрқандек кўрқадилар. Шу боисдан ҳам улар яшаётган жамиятда мулк ва солиққидан панд бериб бўлмайди, деган тушунча қарор топган.

Ҳозирги замон давлатчилик тараққиётида ҳар бир партия ҳокимиятга интилади. Ҳокимиятга интилишнинг турли хил йўллари бор. Унинг бирдан-бир тўғри йўли халқ меҳрини ўзига қаратиш билан демократик сайловларда овоз қозона билмоқдир. Бунинг учун эса партия энг тўғри ғояни, энг яшовчан ҳақиқатни, узокни қўзлаган дастурни олдинга сурмоғи керак.

Бу дастур мамлакатнинг ҳам ички, ҳам ташқи сиёсати йўналишларини қамраши лозим.

Умумбашарият хазинасига қатор халқларнинг ўз бебаҳо улушини қўшиб келганлигини биз тарихдан яхши билемиз. Чунки, немислар фалсафада инсоният иқтидорининг юксак нуқтасига қўтарилган бўлсалар, инглизлар иқтисодиётда, французлар санъатда олий чўққига қўтарилганлар. Бизнинг аждодларимиз эса таваққур ва маънавият бобида бемисл юксакликка эришганлар.

Бугунги кунда жаҳон олимлари ва сиёсатчиларнинг таъкидлашича, XXI аср таваққур ва маънавият асри бўлади. Жаҳон халқларининг маданий юксалиши асри бўлади.

Бу фикрни эътироф этган ҳолда, менинг кўнглимда беихтиёр, миллатимиз ҳужайраларида узок аждодларимизнинг иқтидори, иродаси ва таваққур қудрати ҳали тирик бўлса, шижоатини тарқ этмаган бўлса, ажаб эмас, деган туйғу кечади.

Миллатимизга истиқлолни яратганининг ўзи ато этди. Учунчи минг йиллик уфқларига ҳам дадил, тик қомат билан боқимизда, унинг ўзи мадакор бўлишига имонимиз қомил. Фақат бу борада ҳаммамиздан туганмас ғайрат, яқдиллик, буюқ ирода лозимдир. Мен бу айтилган ҳислатларнинг ҳаммасини бугун Миллий тикланиш партияси аъзолари юрагига ҳис этиб турибман.

Ёзувчи учун энг буюқ манзил ёзув солидир. Чунки унинг юраги, таваққури, безовта ўйлари ана шу манзилда ҳаловат топди. Ана шу манзилда унинг виждони покланади. Мен бугун виждонни поклайдиган яна бир манзилни қўриб турибман. Бу — Миллий тикланиш партияси жабҳаси. Мен бу жабҳада партиянинг ҳамма вакиллари, маслакдошларига соғлиқ, омонлик ва зафарлар тилайман.

Мирпўлат МИРЗО,
шоир, «Жаҳон адабиёти»
журнали бош муҳаррири
ўринбосари

Тарихнинг мангу жасоратлари

Тарих китобларини арақлаб, шоиру уламо аҳлининг XII—XIII асрларга оид битикларини кўздан кечириб Хоразмшоҳлар давлатида адабиёт, санъат ва маданиятга, бир сўз билан айтганда, маънавиятга бениҳоя катта аҳамият берилганлигини гуруримиз тоғ янглиг баледайди. Негаки, маънавияти юксак бўлмаган давлат барча соҳада баркамолликка эришолмаслиги бугунги кунда барчага кундай равшан.

Машҳур араб сайёҳи Ёқут ал-Ҳамавий Хоразм тўғрисида шундай ёзади: «Унинг барча вилоятларида юрасанми, ё бозорларида юрасанми бунинг фарқи йўқ, ўйлайманки, Хоразм сингари белоён ва кенг ер, шу сингари аҳолиси кўп юрт дунёда бўлмаса керак...»

Ровийларнинг нақл қилишларича, мўғуллар истилодидан олдин, кўна Урганчда бир ярим миллионга яқин одам истиқомат қилган. Бир-бирига тақаб қурилган уйлар 10 километрга чўзилган масофада бўлган дейишади. Халқнинг санъатга ихлосмандлиги ҳусусида шундай ажабтовур гап юради: бу ердаги 3—4 минг атрофидаги оила дотор ясаб кун кўришар экан. Бунинг ажабланарли жойи йўқ, чунки Хоразм халқи азалдан мусикага ўч халқ. Шунинг учун ҳам Дарвеш Алининг «Рисолаи мусиқий»сида қўшқоринли рубоб султон Муҳаммад Хоразмшоҳ замонида ривож топгани қайд этилади.

Тарихчи ал-Қазвиний бу шаҳар тўғрисида гаройиб бир воқеани қаламга олган: «Кўп сонли аҳолиси бўлиши бу шаҳарнинг бари яшовчилари, ҳатто қассоблари, нонвойлари, хунармандию тўқувчиларининг бари сипоҳидурлар. Дейдиларки, султон Муҳаммад ибн Текеш қорахитойлар билан бўлган бир жангда энгилик қочади ва оз миқдордаги қўшин билан ҳеч ким кўрмасин деб шаҳарга ҳуфёна, кечда қиради. Эртасига тонг отгач, шаҳардан 30000 отлик

МАЪНАН ҒОЛИБЛИК ТИМСОЛИ

билан қикиб, ёғийга қарши отланган. Бундан кўринадик, ватан ҳимояси, юрт ор-номуси ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчи ҳисобланган. Хоразмшоҳлар давлати наинки ҳарбий қудрати, балки гўзал шаҳарлари, юксак даражада тараққий этган илму урфон, адабиёт ва санъат билан ҳам доврғу қозонган. Ал-жабҳани кашф этган ал-Хоразмий, глобусга асос солган Беруний, араб грамматикасини арабларга ўргатган аз-Замаҳшарий, кубравия тарикати ила машҳури замон Нажмиддин Кубро, улкан мунажжим, тибб илмининг билимдони Жаъминийлар номининг ўзиёқ бу давлатнинг жаҳон миқёсида тутган ўрни нечоғлиқ баланд эканлигидан далолат беради. Афсуски, сиёсат илмининг чалқашликлари, муносабат оламининг алғов-далғовлари янглишу омадсизликлар оқибатида 500—600 минг кўшинга эга бўлган буюқ Хоразмшоҳлар давлати бир неча ой ичида яқсон бўлди. Душман оёғи остида топталди.

Шу билан бирга, бу даврда авлодлар, қалбларга мангу гурур бахшида этадиган яна бир буюқ ҳодиса рўй берди. Эрк ва озодлик учун бош кўтарган султон Жалолиддин Мангуберди 300 отлик аскар билан илк жангдаёқ мўғулларнинг 700 отликдан иборат жанггар гуруҳини энгиб кейинчалик Фазна яқинида 45 минг кишилик армиясини тор-мор этади. Чингиз юрагига кўрқув даҳшатини солган ва қарийб 10 йилдан зиёд вақт мобайнида арқисиз, тахтсиз султонлик қилган, гуллаб-яшнаган Хоразм ерларини ер билан яқсон этаётган ёғийга қарши халқни оёқлантирилган, араб дунёсига туржи, озарни бир туғ остига бирлаштириш учун тенгсиз қурашда жонини фидо қилган ўғлоннинг ватанпарварлиги, мардлиги тарих саҳифаларига мангу битилди.

Бу тенгсиз қонли курашнинг биринчи йилида тевозоқар Синд дарёси соҳилидаги жангдан кутулиб кетишнинг иложи йўқлигини англаган Жалолиддин онаси ва аҳли аёлини сувга чўктиришга амр қилади, ўзи эса дарёга от солиб, нариги соҳилга ўтиб кетади. Бундай жасоратга қойил қолган Чингизхон ўғилларига қарата «Отанинг ўғли бўлса, фақат шундай бўлсин! Шундай беаёв жангдан хавфсизлик қирғоғига бешикаст чиқдим, демак ундан кўп қилмишлар, чексиз бебошлиқлар кутиш мумкин» дея ҳитоб қилади. Дарҳақиқат, Жалолиддин Мангуберди умрининг охиригача Ватан озодлиги, мустақиллиги йўлида қаҳрамонларча кураш олиб борди ва ўзининг маънан бутун дунёга ғолиблигини исботлади. Довоғрак саркарданинг адабиёт (хусусан, назмий машқлари ҳам бўлганлиги) илму урфон билан ошнолиги ҳам шундан далолат беради.

Комил АВАЗ,
драматург

Ургут усталари қурган бинолар эртақлардаги қасрларга ўхшайди. Маҳорат билан, турли шакллар бериб терилган ғиштлар, тошлар жилоси кўзни олади. Ромлар, эшиклар, дарвозалардаги нақшларга узок тикилиб турасиз. Булар эр кишининг жуърати битилган афсоналар каби. Бозорга кирсангиз, аёллар кўли билан бунёд этилган мўъжизаларга дуч келасиз: зардўзи камзуллар, дўппи, даструмо, тиллақошлар, товланиб, ёниб турган паллақлар, тўнлар... Қайси бирига қарашни билмайсиз, ранго-ранг гўзалликдан кўзлар камашгадуй. Ургут кўли гўл хунармандлар, чеварлар, усталар макони. Туманга таширф буюрган Республика ўрта махсус таълим вазири ургутликлар маҳоратига маҳийё бўлиб завқида турган бир пайтда туман ҳокими кўнглидаги гапни айтган эди:

— **Жўра ака, бизнинг Ургутимизда миллий хунармандчилик лицейи очилса қандай бўларкин?**

— Жон деб қувватлайман тақлифингизни, бу лицей мамлакат миқёсида бўлади. Ургутлик усталарнинг ноёб хунарларини республикамиз ёшлари ўрганишлари лозим. Бу бебаҳо санъатни қадрлаш, асраш, келажакка етказиш шарт. Яхши гапга фаришталар омин деркан. 1994 йилда Ургутдаги хунар-техника билим юрти асосида Республика миллий хунармандчилик лицейи ташкил қилинди. Анча йиллар Ургут шаҳар халқ таълими бошқармаси мудир бўлиб ишлаган тажрибали ва моҳир педагог Мақсадилло Эргашев лицей директорлигига тайинланди.

— Худди кеагина иш бошлагандайман, шунча йиллар сезилмай ўтиб кетди. Ҳар кун янги режалар, орузлар, иқтидорли ёшлар аҳил жамоа билан ишлаш зериктирмас

экан одамни, — дейди биз билан суҳбатда Мақсадилло ака.

— **Дастлабки йили қанча талаба қабул қилдингизлар? Ишни неча хил касб-хунарни ўргатишдан бошладингизлар?**

— Ҳамма ҳам лицей билан таниш бўлмаганидан бошида талабаларни ўзимиз йиғиб келдик. Юз нафар ўқувчига дурадгорлик ва ёғоч ўймакорлиги, ғишт, тош териш, ёдгорликларни таъмирлаш, темирчи-пичоқсоз, миллий кийимларни тикиш ва зардўзликни ўргата бошладик.

— **Ҳозир қандай?**

— Утган ўқув йилида 600 ўқувчи ҳужжат топширишди. Тест синовлари ўтказилди.

— **Фақат фанлардан яхши биладиганлар қабул қилинадими ёки касбга**

— Нима экан у лекин?

— Айни пайтда ётоқхона масаласида кийинчиликлар мавжуд. Насиб этса, лицей 2000 йилда коллежга айлантирилиши керак. Шунда 103 ўринлик ётоқхонамиз, 240 ўринли устохонамиз бўлади. Узокдан келишган толиби илмларни бемалол кутиб ола-

таъмирини ўзлари қўлдан чиқара оладилар. Кейин амалий ишлар даври ҳам бўлади. Шунча йўллар билан шу йил 400000 сўм пул ишланди. Бу пулнинг ярмини ишни бажарганларга тўлаймиз. Яримга кўргазма қуроллар сотиб оламиз. Хомашёлар (қурилиш материаллари, газла-

Хунармандим — дилбандим

Қобилиятли шогирдлар ўзлари тошдан, ғишдан, ёғочдан янги хил нақшлар, гуллар ижод қилишадик, ўзимиз ҳам завқланиб кетамиз. Бу халқ чашма экан, янги истеъодлар мудом қайнаб туради. Бизнинг вазифамиз уларни излаб топиш ва тўғри йўл кўрсатиш. Утган йили талабалар: «Домла бизларга янги станок ясаб беринг», деб илтимос қилишди. Устохонамизда ясапти бердим. Ғиштни йўниб шунақанги шакллар ясадикки, кўриб ҳайрон қоласиз. Қизларимиз тиккан зардўзлик ишларини айтмайсизми?! Момолардан мерос санъатни янги усуллар билан бойитиб, жозибали

ҳаракат қиламиз. Бу тадбирлар воситасида ёшларда ватанга муҳаббат, садоқат туйғуларни уйғонади.

Бундан ташқари, барча фанлар бўйича ринглар ўтказиб, ғолибларни аниқлаймиз. «Энг чиройли ишлар» кўргазмасини ташкил қилганмиз. Спорт мусобақаларида қатнашишда чаққонларимиз. Турли хил тўгараклар ишлаб турибди. Вилоят коллеж ва лицейлари ўртасида ўтказилган спорт мусобақаларида, волейбол, шахмат бўйича командаларимиз фахрли иккинчи ўринни эгаллашди.

— **Ҳар ишда бўлгани каби шу кунлардаги ташвишларингиз ҳақида гапирсангиз.**

— Ташвишлар кўп, ҳаммаси ширин ташвишлар... Ўқув йилини якунлаб шогирдларни мустақил ҳаётга қузатамиз. Элга ош бериб ота-оналар, меҳмонлар ҳузурда диплом топшираемиз. Устозларимиз шогирдларига фотоҳа беришади. Уч юз ёш учирма бўлади бу йил. Янги ўқув йили учун энг қобилиятли йигит-қизларни таллаб олишимиз керак. Танлов кўзгин, ўринлар таллаш бўлиши табиий. Ташкил қилиниши кўзда тутилган коллежга ҳозирдан тайёр бўлишимиз керак. Ушундан мингга яқин талабаларга касб-хунар ўргатиш имкони бўлади.

Узбекистон халқ таълими аълочиси, «Шарафли мурабий» нишондори эзгу ташвишлари кўп директор билан хайрашар туриб, фахр ҳиссини туяман. Насиб этса, бу даргоҳда машҳур хунармандлар етишади. Уларнинг қўлига тушган оддий матолар зар қашталарга айланади, оддий тошлар, ғиштлар, ёғочлар узок йиллар мобайнида нафосат, гўзаллик кўшигини куйлайверади.

Ҳосият БОБОМУРОВА

ЯНГИ АВЛОД УСТАЛАР

Ургут шаҳар Республика миллий хунармандчилик лицейи директори Мақсадилло Эргашев билан суҳбат

иқтидор нуқтаи назаридан бошқа мезонлар ҳам борми?

— Усталаримиз ҳам суҳбат ўтказишади. Бўлажак шогирдларнинг кўли ишга келишадими, танлаган касбига қизиқадими, синаб кўришади. Устозлар назаридан ўтгач, тест синовларини топширишга рухсат берилади.

— **Лицей мамлакат миқёсида бўлгач, кўшни вилоятлардан ҳам талабалар келиб ўқишяптими?**

— Қорақалпоғистондан келган ўн талаба ғишт, тош териш кошинкорлик хунарини ўрганиб кетишди. Ургутда ҳам ана ишлар қилишди. Ҳозир Тошкентда катта-катта иморатларни қуришмоқда. Улар юртимизнинг турли жойларида ишлаб, чиройли иморатлар бунёд этаётганидан фахрланамиз. Битта лекин бор...

верамиз.

— **Тадбиркорлик, йўқдан бор қилиш ургутликларнинг қонида бор. Сизларда олти юз жуфт хунарманд кўллар ҳар кун кимирлаб турибди. Лицей жамгармасини кўпайтириб юборгандирсизлар?**

— Тўғри айтасиз, бекор қараб туриш биз учун ҳам, замон учун ҳам муносиб эмас. Сиз кўриб турган, чиройли, силлиқ тошлар билан терилган деворлар, ўймакор эшик, устунлар талабаларнинг иши. Турли ярмаркаларда ўзимизда яратилган ишлар: олти қиррали, саккиз қиррали курсилар, хонтахта-лар, миллий кийимлар, зардўзлик ишлари билан қатнашдик. Харидорлар болаларимиз санъатидан завқланишади, сотиб олишади. Агар буюртма бўлса ёш усталаримиз уйлар қуриш ёки тўла

малар, зар иплар ва ҳ. к.) имкониятимиз даражасидан анчайин қиммат. Агар биз ҳеч бўлмаса бир миллион сўмгина имтиёзли қарз ололсак эди, ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб, ўзимизни ўнглаб олардик. Қарзни ҳам ўз вақтида узардик.

— **Нега қарз олмай турибсизлар?**

— Имтиёзли қарз олиш учун керакли ҳужжатларни тайёрлаш, очиги, тубсиз қудуқдай экан. Ҳеч охирига етолмадик.

— **Ишни тўрт хил хунарни ўргатишдан бошладик дедингиз, ҳозир қандай?**

— Бугунга келиб қирқ хилга яқин хунар ўргатилмоқда. Саксон икки нафар ўқитувчи ва усталар талабаларни илму хунар сирларига ошно қилишяпти.

нақшлар тикишади. Ганчкорларимизнинг ишлари алоҳида бир дунё. Ўймакор усталарнинг яратган мўъжизалари-чи? Булар албатта авлоддан-авлодга мерос бўлиб қолади.

— **Ёш хунармандларнинг маънавий дунёси ҳам ўз яратган нақшларига ўхшаса ажаб эмас?**

— Биринчи вазифамиз ҳар томонлама баркамол инсонни тарбиялаш, маънавияти бўлмаган хунар эгасининг камолоти ҳам, ҳурмати ҳам бўлмайди. Ҳар бир хунарманд яратган ишда унинг бой қалби акс этиб туриши керак. Билим ва хунар масканимизга тез-тез ижодкорларни, олимлар, санъаткорлар шоир, ёзувчиларни тақлиф қилиб тураемиз. Байрамларга бағишланган тадбирлар қизиқари, мазмунли бўлишига



Сирлашув...

ДОСТОНИ ЎЗБЕКХОН

Боши ўтган сонларда

Ҳазрати хонки тахтада ўлтурди ва эл-қун қарор топгондин сўнг йўжихоннинг ўзга онадин туғгон ўн етти ўғлининг ўғлонларини қорлатиб келтуруб айдики: «Сизлар ота ўғли эмасми эрдингиз? Қаро кишига қул-навқар бўлуб, анга муте бўлгонча сизлардин бирингиз хонлик талашсангиз эрди. Чун сизлар қаро кишининг қуллуғини—навқарлигини қабул қилдингиз эрса, мен ҳам сизларни қаро кишига қўшун берайин», — деб қаҳр билан навқар-савдар ва эл-қунларин барчасин Қиёт Исатойга суяргол қилди.

Юқорида ҳам тақриб била зикр қилиб эрдик. Чун Шайбонхон қилич чоғи билан вилоятларин очиб эрди, у жиҳатдин анинг ўғлонларини ва набираларини барча халойиқлар иззат-хурмат қилурлар эрдилар. Хонки бу ўғлонларга қаҳр қилиб Исатойга қўшунки берди, Исатой тақи Шайбонхон ўғлонларига оталари хурматин қилиб, буйрак била қорлиқни, икки боғли эл турур, ани олиб буларни ўз ҳолига қўйдилар. Сойинхон Салғоғон юртларида бўлуб эрди тебтурурлар. Ва тақи Олатойга минг боғли эл айирди. Ул машхур турур. Ўзбеклар орасинда айтурлар: Исатойга ўрум четиб, Олатойга минг берди дерлар, маъниси бу турур.

Ҳазрати хони мазкур алайхир раҳма азамат улуг подшоҳ эрди. Бир неча йил подшоҳлик қилгондин сўнг Оллоҳ таолонинг инояти бўлиб мусулмон бўлдилар.

Ҳикояти сабаби исломи Ўзбекхон. Сабаби ис-



ЎТАМИШ ХОЖИ ТАРИХИ

ғон ўзи ул кишига борур эрди. Барча бу соҳир-қоҳинларини хон ўзларига шайх билан ёнларида ёнаша ўлтуртуб бисёр эъзоғ ва иқром қилур эрди. Аммо бир қунки булар келиб мутаважжих бўлуб ўлтурдилар, кундакитек хон мажлис ораста қилди. Шайхлари бирла келиб бари ўлтурдилар, кундакитек паймонаси (идиши) била бол келтурдилар. Жўртоғи ва дўстигонни келтуруб қўйдилар. Бир хийла муддат ўтдиким, на бол кундакитек жўртоғига қуюлур, на дўстигонга сузулур эрди. Хон шу шайхларинга айди: «Не жиҳатдин бу бол маътал қолиб турур?» Шайхлари айдилар: «Ғолиб, бу эқинда Мухаммадий келиб турур. Бу анинг аломати турур». Хон ҳукм қилдиким: «Қўр-қўрдин юруб истасангизлар, тақи Мухаммадий бўлса, олиб келингизлар» Мулозимлар чи-

қиб қўр-қўрдин тафтиш қилдилар эрса қўрдилар, қўрнинг тошинда тўрт ўзга суратлиг кишилар бошларини қуйи солиб ўлтурур эрди. Мулозимлар айдиларки: «Сизлар не киши турурсиз?» Булар айдилар: «Бизларни хон қошига олиб борингиз». Олиб келдилар эрса, хоннинг қўзи буларга тушди. Чун нури ҳидоят била Оллоҳ таоло хоннинг кўнглини мунаввар қилиб эрди, буларни кўрди, майду муҳаббати кўнглунда пайдо бўлди, сўрдиларки: «Сизлар не кишилар турурсиз, не ишка борурсиз?» Булар айдилар: «Бизлар Мухаммадий турурбиз. Худой таолонинг амри бирла келиб турурбизким, сизларни мусулмон қилгаймиз». Бу аснода хоннинг шайхлари фарёд айдилар: «Булар ёмон кишилар бўлур. Буларни сийламак керакмас, ўлтурмак керак». Хон айдилар: «Нечун ўлтурдурмен. Подшоҳ — мен. Сизларнинг ҳеч қайсингиздин парвойим йўқ турур. Қайсингизнинг динингиз барҳақ бўлса, анинг бирла бўлурмен. Агар буларнинг дини ноҳақ бўлса, сизларнинг бугундаки иш-

ларингиз нечук ботил бўлуб маътал қолди. Сўзлашингиз, қайсингизнинг динингиз ҳақ бўлса анга тобе бўлурмен». Бу икки жамоат бир-бирини бирла баҳса тушдилар, кўп ғавго ва жадал қилдилар. Оқибат анга қарор бердиларким, икки танур қазгайлар, ҳар бирини ўн ароба сўксўк (саксовул) била киздургойлар. Бир танурга соҳирлардин бир киши киргай, яна бир танурга булардин бир киши киргай. Ҳар қайси куймай чикса, анинг дини ҳақ бўлгай.

Тонгласи икки улуг танур қаздилар. Сўксўк ўтунлардин йиғиб киздурдилар. Бириниси соҳирларга тайин қилдилар, яна бириниси мусулмонларга тайин қилдилар. Бу азизлар бир бирини бирла мурўёт қилишдилар: «Қайсимиз кирарбиз». Бу-

ларнинг бирисига Бобо Туклос дер эдилар. Тамом аъзоларини тук босиб эрди. Ул айди: «Менга ижозат берингиз. Мен қирайин. Сиз менга ҳиммат тутунгиз». Бу азизлар анинг ҳаққина фотиҳа ўқудилар. Ул бобо айди: «Менга жиба (совут) хозир қилингиз». Жибани хозир қилдилар эрса, жиба кийди яланг этка (яланғоч баданга). Тақи Оллоҳ таоло ёдида талқин бошлаб танур тарафига мутаважжих бўлди. Айтурлар, бобонинг тўқлари ўро (тикка) қўпуб жибанинг кўзларидин чиқиб эрди. Бу холатни барча кўрар эрдилар. Булар юруб танурга кирди. Бир қўй этини келуруб танурга осдилар, оғзини беркитдилар.

Эмди келдик қоҳинлар қиссасинга. Қоҳинлар заруратдин бириниси чиқариб танурга солдилар. Хаминки тушқач, қули қўкли-ашилли бўлиб ёлини танурнинг оғзиндин чиқар эрди. Бу холатни хон бошлиқ барча халойиқлар кўрдилар эрса, кўнгуллари кофир диндин узулуб мусулмонликга майл қилдилар. Ва тақи бобонинг талқин айтқон овози танурдин муттасил келур эрди. Кўй этни пишди теган маҳалда танурнинг оғзин очдилар. Бобо мурорақ юзлариндин терларини суртга: «На ошқудингиз? Агар бир замон таввақуф қилсангиз эрди, ишим тамом бўлур эрди», — деб танурдин чиқди. Кўрдиларки жиба чўғ бикин (каби) қизил бўлур эрди. Аммо Худой таолонинг қудрати бирла бобонинг бир туки куймаин чиқди. Бу холи хон бошлиқ барча халойиқлар кўрдилар эрса, шайхларнинг этақларини тутуб мусулмон бўлдилар. Алҳамдуллуллаҳ ала динил исломи.

Беркахон замонинда ўзбек тоифаси мусулмон бўлур эрдилар. Улардин сўнг яна муртад бўлуб кофир бўлдилар эрди. Бу йўлки, Ўзбекхон мусулмон бўлди, андин бери ўзбек тоифасининг исломи таъбир (ўзгартиш) топмади. Айтурлар, Ўзбекхон йигирма йил подшоҳлик қилди ва баъзилар айтурлар, ўн саккиз йил подшоҳлик қилди. Андин сўнг ҳақ раҳматига восил бўлди. Инна лиллаҳи ва инна илайҳи рожибуна.

Ғулом КАРИМОВ нашрга тайёрлади.

Давоми бор

ТУЯЧИЛАР

Хоразм юртида Обл полвон деса, раҳматли Абдулла акани (Обл полвон) кўрган, санъатидан баҳраманд бўлган кишиларнинг ўз-ўзидан кайфияти кўтарилади. Кураги ер кўрмаган полвон, қизикчи, масхарабоз Обл полвоннинг исми ҳам элнинг қулфи дилини очади. У кишини Обл туячи ҳам дер эдилар. У нафақат Хоразм воҳасида, Қорақалпоқ элию Туркманистонда машхур полвон эди. Айна пайтда давраларда хар бир калима сўзи гурр-гурр қулги кўтарарди, кўнгуллари—да кўкка кўтарарди қизикчи эди. Одамларнинг кўнгли кўкида соя ташлаб турган гам-ташвиш булутларини унинг роҳатбахш қулги кўзговчи шўх, сеҳрли сўзлари, ҳазил-мутойибалари булутни тарқатган шамолдай тарқатиб юборарди. Обл туячи ана шундай ажабтовур табиати, дилу жонлар сеҳрлари эди. Абдулла ака Бобо-жонов 1897—1972 йилларда Шовот туманининг Моноқ қалъасидаги Чўқли қишлоғида яшаб ўтди. Обл туячи унинг лақаби эди. Айтишларича, бобоси Тожи сурнайчи деган забардаст одам бўлган экан. Чўқли қишлоғида у яшаган даврда бир туя масикчи одамларга хавф солибди. Туя одам кўрса қувиб, уларнинг хаётини таҳликага қўя бошлабди. Довурак Тожи сурнайчи қўлидаги таёққа боғланган ва лаққа чўгдек қилиб қиздирилган темирини масикқан, бақирқор туянинг оғзига тикади. Туя ҳовридан ту-

хам берилади. Тожи сурнайчининг фарзандлари — Абдулла ва Саъдулла ҳам бу лақаб қўшиб айтилаверди. Обл полвон баланд бўйли, мускуллари чайир, тутган жойини қўйвормайдиган темир панжали полвон эди. У Хоразм воҳасида, Қорақалпоғистонда ё Тошхўвузда, Қўнча Урганча ё Илонли ва ё бошқа жойдами тўй-хашамлар, оммавий сайллардами кураш тушмасин, бирор марта мағлубият аламини тотганмас. У бақувват бўлиш билан бирга кураш тушиш усул ва амалларини яхши биларди. Куч бирён, усул-амал бирён полвонликда. Обл туячи нотаниш рақибининг ранг-рўйига, унинг гап-сўзига қараб қандайлигини, кучкуватни ўлчовини, сезгирлик даражасини билиб оларди. Ўртага чиқиб рақиб билан тушишганда қисқа вақт ичида унинг усул-амалларини ўрганиб олиб, пайт пойлаб унга қарши амал-усул қўларди. У ёнбош уриш — ичдан чалиб рақибини йиқитиш тажрибасини олган маҳоратли полвон эди, хар бир тўйда ё сайлда камида 2—3 полвон билан кураш тушарди ва барчасини йиқитарди, олқишга сазовор бўларди. Унинг салафлари Шовот туманидаги Иштимоият қишлоғидаги Нурмат полвон, Бўйрачи қишлоғидан Амант полвон, Отажон Хидиров жамоа хўжалиқидан Содик полвон, Тошхўвузлик (Туркманистондан) Ота полвон ва бошқалар эдилар. Улар тўй-хашамларда, халқ сайлларидан бирга бўлиб, халққа ҳалол ва қизқарли хизмат кўрсатардилар, тўйларда рақиб томонга қарши ўзлари бир тараф булардилар. Обл туячи даврага кураш тушишга чикқими, одамларда завқланиш, жонланиш ўзгача бўларди. У ўртага югуриб чиқар «Хало-ло-полло» деб канотини ёйганича даврани айланаб, шундан кейин қараб турган рақибни олдига келар, бир-икки дақиқа ичида битта «Хо» дейиши билан ҳамма унинг рақибини ерда кўрарди. Обл туячи

рақибини йиқитса устидан монғилдоқ (ўмбақоқ) отиб ўтар, тура солиб қарс уриб қўларди. Муқофотга берилган қўйни бағрига босганча қур (даврани) бу бошидан у бошига монғилдоқ ошиб борар, (лекин қўйнинг бир туқиям тўпроққа тегмас) гурр-гурр давомли қулги янгарди. Обл туячи кўпичча Ўзбекистон, Қорақалпоғистон ва Туркманистон халқ артисти Комилжон Отаниёзов билан бирга халққа хизмат кўрсатардилар. Комилжон Отаниёзов ўзи қатнашган тўйларда, оммавий сайллару байрамларда кўчқор уриштириш ва полвонлар курашига ўзи ҳакамлик қилар, полвонлардан мардлик ва ҳалоллик талабиди бўларди. Комилжондай артист, Обл туячидай қизикчи полвон минг йилда бир марта дунёга келади, дейишарди кексалар. — Полвонлик ҳалоллик ва покликни, мардликни ёқтиради, — дерди уста полвон шоғирларига, хийла-ғирромлик кетмайди, бу ёпишмаган гажакларга ўхшайди: у завок бериш ўрнига одамда ғайрилик, нафрат тўйгуларини уйғотади. Ҳаргиз одамнинг бати (ёмон феъли) ўзига уради — одам бебурд бўлиб қолади, диллардан қувилади. Кураш тушиш санъатини пухта эгаллаган Обл туячи тез-тез Хива шаҳрига бориб Полвон пир (Пахлавон Махмуд) қабрини зийрат қилиб турадди, ундан мадад тиларди, яна ўз устидан тинмай ишлар, шоғирлар билан машқ майдонидан чиқмас эди. Ҳам ўзи, ҳам шоғирларнинг маҳоратини тинмай оширарди. Шу боис унга тангрининг луффу иноят неъматидан насиб етарди. Санъаткор полвоннинг шоғирди Собирхоннинг хикоя қилишича, улар 1949 йилда Беруний туманига тўйга борадилар. Тўйни бошқарувчи кураш бошланishi олди: «Шовот туманидан Обл туячи деган полвон келган, у бош полвон билан беллашади. Кани, Обл полвон билан ким тушилади», деб эълон қилганида Қорақалпоғистонлик полвонлар: «Обл туячига бас келиб бўлмайди, унинг билан тутишмаймиз», — дейишади.

Шунда Абдулла ака ўртага чиқиб: — Мен Обл полвон эмас, Обл тик-тик деган полвонман — дейди. Шундан кейин вази унга икки келадиган полвон даврага чиқади, кураш бошланади. — Э-э-э, бу давдай полвон Обл туячининг чил-парчин қилиб ташлайди-ку, деб ҳаяжонга тушадилар. Бирок кўп ўтмай Обл туячи ҳалиги кунгунга келадиган полвонни йиқитади ва устидан манғилдоқ ошиб ўтади. Қулги, қарсақ янгарди. Бир ҳақсизлик боис бўлиб Абдулла ака Йўлдош Охунбобоев билан учрашди. Ундан касби-корини сўраганида ўрнидан туриб Хоразмча рақсга тушиб, масхарабозлик усулларини намойиш этиб Йўлдош отани роса хузурлантирган. Уни мириқиб қулади, дил уи янада оבוד бўлади. Обл туячи ўйиндан тўхтаб эшик тарафга қараб манғилдоқ отади. — Ёшулли, менинг касби-корим мана шундай — дейди. Тўй-томшаларда, ҳосил тўйларидидаги байрамларда кураш тушман, полвонларни йиқитиб муқофотга қўй, эчки, туя хўжизгача етаклаб кетасан. Менинг ана шу хилда халққа томоша кўрсатиб муқофотга олган молларини қолхоз тортиб олди, ўзим бир ферма бўлиб қолувди-да! Йўлдош Охунбобоев қўзларидида завок қайнатган қулги ёшларни артаркан: — Балли, отангизга раҳмат, касбингиздан барака топинг, — дейди, «Ферма» нгизни ўзингизга қайтариб беришади. Биз тарафда ҳам бир тўй бор эди, шу тўйда кураш тушиб, масхарабозлик ўйинларингизни халққа бир кўрсатмайсизми а? Тошкент халқи ҳам сизнинг томошаларингизни кўриб бир хузурлансан-а, нима дедингиз? — Жоним, билан, ёшулли!

Обл туячи ота айтган ўша тўйга бориб кураш тушади. Бош полвонни йиқитади-да, устидан одатида манғилдоқ отиб ўтади. Анча жойгача манғилдоқ отиб бориб, ўрнидан туради-да қарс қоқиб қўйишади. Масхарабозлик ўйини ҳам қойиллатади. Ана шундан кейин тошкентликлар бунинг турган-битгани хунару санъат экан, деб кўярди-қўймай уни яна қўлаб тўйларга таклиф этадилар. Абдулла аканинг уч ўғил, бир қизи бўлиб, уларга пиру бадавлат падарни бузруквор ҳам эди. Катта ўғли раҳматли Қўзи ака Махтумули жамоа хўжалигида аввал пахтачилик, кейинчалик узок йиллар полизчилик бригадаси бошлиғи бўлиб фаолият кўрсатади. Қўзи обл. Қўзи қовунчи деб ном қозониб, ишда ҳам, гап-сўзда ҳам барчани оғзига қаратиб ўтди. Бу олижаноб инсон гарчи санъаткорлик касбини тутмаган бўлса ҳам катта-кичиқ давраларда қарс қоқиб «Лазги»нинг ўтини чиқариб юборадиган рақс қос ҳам эди. Унинг 9 қизи, икки ўғли ўзи ва умр йўлдоши Аноргул опа хўстортлигида зиёли ва меҳнат кишилари, илм фидойилари бўлиб етишдилар. Абдулла аканинг яна бир ўғли Жуманазар Абдуллаев «Хоразм» ширкат хўжалигида қорвалчилик ҳисобчиси бўлиб ишлади. Айна пайтда кексалик гаштини сураятти. Умр йўлдоши Ўғилжон опа билан 9 қиз, бир ўғил ва 20 дан ортик незараларининг суюлиги бу-ла ва бувижони бўлиб фароғатда тиришибди. Абдулла аканинг қизи Гулчўра ҳам тоза қалбли, самимий чечарли, оиласи ва маҳаллик-қўй, яқинларига меҳрибон, ғамғусор инсон эди. Учинчи ўғли Бақпўлат ўлтиз йил шифокорлик қилди, ҳозирда 12 фарзанднинг падарни бузруквори, жуфти ҳалоли Шуқуржон билан эл хизматига яраган фарзандларининг ақли-хушидан қувониб ўтиришади. Абдулла ва Саъдулла икки кўздек ога-ини эдилар, Саъдулла акага ҳам туячи дейишарди. Содл туячи деганда Шовотликлар кўз олдига хар елкасида бир одам бемалол ўтиргилки, басаллат кунгунга, қадамидан ўт қачқайди-ган бақувват, қил билан фил боғлайдиган дилкаш, ширинсухан, тадбиркор одам гавдаланади. Урушдан кейинги йилларда «Курашчи» қолхозига раислик қилди. Каттага ака, қизкача ука деб барчани оёққа тургади. Дехқончилик маданиятини юксалтириш, иқтисод пилгини кўтариш, қишлоқнинг

Сулола

ва шу қишлоқ кўрки, савлати, шарафи бўлган меҳнат аҳлининг жароҳатларини битказишни бош вазифа деб билди. Шундан қолхоз ва қолхозчилар анчайин қаддини тиклаб олдилар. Бош бошли бўлса, ариқ рошли бўлса қўнғил истаги ўз рўёбини топаверди. Кейинчалик туман сув хўжалиғи идорасида меҳнат қилди. У қаерга бормасин, тер тўкиб ишлагани боис иқбол унинг йўлига чироқ тутаверди. У ҳам акасидак ажабтовур табиатга эга эди. Унда ҳам табиий қизикчилик маҳорати намоен эди. Саъдулла аканинг чамқоқдай фарзандлари элнинг ҳам нури чамқоғи бўлиб турибди. Тўнғич ўғли Азимбой Саъдуллаев 1982 йилда физика-математика фанлари доктори, 1994 йилда эса академик деган юксак илмий унвон олишга мушарраф бўлди. Айна пайтда у ал-Хоразмий номи Урганч Давлат педагогика университетининг ректори, Ўзбекистон Олий Мажлисининг депутаты. Хоразм жаҳонга алломалару, ватанпарвар, садақот султонларини берган. Истеъдод сўяқ суради, дейдилар. Ҳаёт буну исботлаб турибди. Азимбой Саъдуллаевнинг дунё илм аҳли ҳақли равишида Ал-Хоразмийнинг издоши, оламшумул илмининг давомчиси, дейдилар. Саъдулла аканинг Юсуфбой ўғли Шовот туманидаги «Бўстон» жамоа хўжалигининг раиси. Каримбой Манок касб-хунар лицейида директор, Баҳоидир Шовот тумани қишлоқ ва сув хўжалиғи бошқармаси бошлиғи, Эркин Хоразм пахта трестиди бўлим бошлиғи, Тожиғул эса Урганч Давлат университетидида ўқитувчи бўлиб ишлайди. ... Ота-бобосининг фазилатлари, қалб қуввати, фикр қуввати, табиати фарзандларига қон билан ўтади дегани шудир балки. Одамлар: «қониди бор», — деб туришади. Шер боласининг қилиғи шердек бўлади-ку ахир. Сулола суриб келаятган эзгулик, иқтидор, жўмардликнинг ҳажжи-жу-жук неварачекараларда ҳам аллақачон буй бераётганлиғи хар қимда ҳавасу ҳайрат, завқли бир кайфият уйғотади. Ман отамнинг

изиман, Обл полвоннинг ўзиман — деб ўқийди турфа томоша қилдилар билан Қўзи аканинг невараси олти ёшли Нурбек...

Раҳим ОТАХОНОВ

Ўзбекистонда истиқлол арафасида вуқудга келган «Мулоқот» журнали туғилиши биланқоқ халқ, миллат тақдирининг муҳим муаммоларини ёрита бошлади. Хали соҳибқирон Темир номи ҳукмрон партия мафқурасида қораланиб турган вақтда атоқли тарихчи олимлар Бўрибой Аҳмедов, Турғун Файзиев ва бошқаларнинг буюк бобоқолонимиз тузган жуда катта салтанатни бошқариш тамойиллари, темирқўллар шажараси ҳақида асл манбаларга оид мақолаларни берди. Ҳар бир даврда ўтган азиз авлиёларнинг халқ ўртасидаги ҳурмати баланд бўлган. Аҳмад Яссавий, Сулаймон Бокирғоний (Ҳаким ота), Занғиота, Абу Бакр Зайниддин Тойбодий, Амир Сайид Қуллол, Шамсиддин Қуллол, Бахрудин Нахшбанд каби азиз-авлиёлар фақат Мовароуннаҳрагина эмас, балки Марказий Осиё, Ўрта ва Яқин Шарқ — етти иқлимда халқларнинг маънавий раҳнамолари эдилар. Хожа Аҳрор Валий каби атоқли руҳонийлар мамлакатдаги иқтисодий, сиёсий, маданий ва маънавий ҳаётга фаро алашадиг, ҳокимлар, амрларни адул инсофга қақирганлар; халқни иймон поклиғини сақлашга,

ОГОҲЛИККА УНДАЁТГАН НАШР

текинхўрликдан қочишга, ҳалол яшашга даъват қилганлар. Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий бевосита Хожа Аҳрорнинг шоғирлари эдилар. «Мулоқот» журналинда Хожа Аҳрор ҳаёти ва фаолияти ҳақида таниқли олимлар Ботирхон Валиқўжаев, Асомидин Уринов, Зокир Қўтибоев ва бошқаларнинг теран илмий тадқиқотлари босилиб чиқди. Журналнинг ўтган йиллардаги сонларида Алишер Навоийнинг «Насойимулмуҳаббат» асаридан хали нашр этилмаган қисмлари, Фаридуддин Атторнинг «Чор китоб», Зайниддин Мухаммад Ғазолийнинг «Кимийи саодат», Арасту ҳакимнинг «Ахлоқ кабир» асарлари босилиб чиқди. Журналнинг янги йил сонларида Навоий замондоши, атоқли аллома Миршоннинг машхур «Равзату-сафо» асаридан парчалар босилди. «Мулоқот» журналининг янги, 5-сониди ёш олим Шавкат Тоғаевнинг «Миллий ғурур — миллий онг маҳсули» мақоласи босилгани, у мавзу ҳақидаги тасавуруларимизни кенгайтиради. «Мулоқот»да босилган фалсафа ва сиёсатшунослик олими Нарзулла Жўраевнинг «Янги асрга даъват» мақоласида Президент Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон XXI асрга интилоқда» китоби теран шарҳлаб берилган. Жумладан, мақола муаллифи ёзишича, ҳозирги Ўзбекистон халқи узок замонлар давомидида ҳақон цивилизациясига қучли таъсир ўтказган, улуг ва мўътабар аъёнларга ворислик қилаётган миллат сифатида бутунлай янги ижтимоий-сиёсий шароитларда ўзлигини кўрсатмоқда. Юсуф Абдуллаевнинг «Таълим ва жамият» мақоласида ҳозирги фан-техника тараққиётининг ижобий ва салбий оқибатлари чуқур таҳлил қилинади. Хусусан, юксак технологияга эришган мамлакатларда маданиятни ҳам, мафқурани ҳам стандартлаштириш (жаҳон андозаларига яқинлаштириш) шароитида инсонлар қандай қилиб, ўз тақдирини ўзи назорат қила олади? Бу савол кўпчиликнинг дилида ташвиш уйғотиши мумкин. Мана шу шароитларда инсон ўзлигини мусофаф сақлаб қолишда миллий-маънавий меросига, қадриятларига таянади. Шавкат Жўраевнинг «Фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий маданият», Аҳмадхон Эшонқулонинг «Маънавият ва фидойилик», Киём Назаровнинг «Қадрият фалсафаси», Зокир Қўтибоевнинг «Бу дунё яхшиликлар экинзоридир», Бахриддин Манноновнинг «Элчиға ўлим йўқ» таомили нега бузилди? каби мақолаларида ҳозир халқимизни қизиктираётган қўпгина саволларга жавоб топилади. Шу сонда «Кимийи саодат» асарининг давомини, Йўлдош Сулаймоннинг Хожа Абдуллоҳиқ Ғиждувоний ҳақидаги «Ҳақ ишқи» достони берилган. Журналнинг янги сониди «Мустақиллик мушоираси» руқнида Азим Суян, Ўткир Раҳмат, Мухаммадали Қўшмоқ, Аскар Маҳкам каби шоирларнинг Истиқлолга бағишланган шеърлари босилган. Миллий қаҳрамонимиз Жалолиддин Манғуберди таваллудининг 800 йиллиғи шарафига берилган «Синд соҳилидаги жасорат» мақоласи ҳам ўқувчиларда миллий ифтихор туйғуларини уйғотади.

Маҳкам АНДИЖОНИЙ



шиб, ювошади ва энди Тожи сурнайчининг амрига бўйсунадиган «чўк» деса, чўкиб, «тур» деса турадиган бўлиб қолади. Ана шундан кейин Тожи сурнайчига иккинчи «туячи» деган лақаб

ло-ло-полло» деб канотини ёйганича даврани айланаб, шундан кейин қараб турган рақибни олдига келар, бир-икки дақиқа ичида битта «Хо» дейиши билан ҳамма унинг рақибини ерда кўрарди. Обл туячи

